

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ
VIII ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОРИ

08.08.2025 йил

Тошкент ш.

VIII 1-сонли

**Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг
2020-2024 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи ва касаба уюшмалари
аъзоларининг меҳнат ҳуқуқини ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича Республика Кенгаши ва унга аъзо ташкилотларнинг
келгусидаги вазифалари тўғрисида.**

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширилиши натижасида мамлакат аҳолиси учун янги имкониятлар эшиги очилмоқда.

Юртимизда фаол инвестиция сиёсати юритилиб замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янги ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шундай улкан саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизда макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда.

2024 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати **5,5 фоизни** ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми, 2023 йилга қараганда 13,6 фоизга ошди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги иқтисодиёт тармоқлари томонидан ялпи таклиф ва ички талаб ўртасидаги ўзаро мувозанати, инвестицияларни юқори суръатда яъни 28,6 фоизга ҳамда аҳоли реал даромадларини 10 фоизга ўсишини қўллаб-қувватлаш ҳисобига таъминланди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги иқтисодиёт тармоқлари томонидан ялпи таклиф ва ички талаб ўртасидаги ўзаро мувозанати, инвестицияларни юқори суръатда яъни 28,6 фоизга ҳамда аҳоли реал даромадларини 10 фоизга ўсишини қўллаб-қувватлаш ҳисобига таъминланди.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ўзбекистон касаба уюшмалари бутун куч-ғайратларини Президентимиз кўрсатмалари, йўл-йўриқларини амалга оширишига сафарбар этмоқда. Зеро, Президентимиз кўрсатмаларини оғишмай бажариш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига риоя қилинишини таъминлаш ижтимоий ривожланишнинг муҳим омилidir.

Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3532-сонли Қарори, “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3268 сонли Қарори ҳамда “Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш”да белгиланган вазифаларни ўрганиш, ижросини амалда бажариш юзасидан Федерация Кенгашининг тегишли қарорлари билан вилоятларга бириктирилган масъул сифатида, Ишчи гуруҳ аъзолари уйма-уй юриб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва нотинч-ноқобил оилалар аҳволи ўрганилди, топшириқлар муддатида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш орқали жонбозлик кўрсатдилар.

2020 йил 11 ноябрда ўтказилган Федерациясининг VIII Курултойида юз берган тарихий воқелик алоҳида ўрин тутади.

Курултой қатнашчиларига Давлат раҳбари илк бор табрик йўллаб, ушбу табрикда Курултой ўтказилаётган сана - 11 ноябрь кунини касаба уюшмалари кунини деб

белгилаш таклифини киритиши ва мазкур таклифдан келиб чиқиб, 2020 йил 23 ноябрда ЎРҚ-648-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ “11 ноябрь - Ўзбекистон касаба уюшмалари куни” этиб белгиланиши касаба уюшмалари ташкилотларига ўз фаолиятларини янада кучайтиришга туртки бўлди.

Федерациянинг 2020 йил 11 ноябрдаги VIII Қурултойи қарорида, ушбу Қурултойда қабул қилинган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишлари”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳисобот даврида барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлди.

Касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари ва бўлинмаларига банкда ҳисоб рақамини очишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Солиқ кодексига касаба уюшмаларининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмаларини адлия органларида ҳисобга қўйиш ва солиқ органлари томонидан уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2024 йил 13 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 2020 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси ташкил этилиши ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Миллий уч томонлама ижтимоий мулоқотни янада ривожлантириш мақсадида касаба уюшмалари Федерациясининг ташаббуси билан республика ва ҳудудий миқёсда давлат органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмалари вакилларидан иборат Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тузилиб, улар фаолияти кўлами кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йилларга мўлжалланган Бош жамоа келишуви амал қилмоқда.

Ўзбекистон темир йўл тизимини ислоҳ қилиш, уни жаҳон талаблари даражасида ривожлантириш, ягона миллий темир йўл тизимини барпо этиш мақсадида ташкил этилган акциядорлик жамияти ҳеч муболағасиз ўзига билдирилган ишончни оқлади. Ўтган қисқа йиллар самарали, ислоҳотларга бой давр бўлди.

Соҳада локомотивлар паркинни янгилаш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Ўтган йиллар мобайнида Акциядорлик жамияти локомотив парки энг замонавий, юқори самарали, тежамли электровозлар билан тўлдирилди. Осиё тараққиёт банкининг маблағларини жалб қилиш дастурига асосан 2020-2022 йиллар давомида 24 та локомотив сотиб олиш режалаштирилган бўлиб, Россия Федерациясининг “Новочеркасск” локомотив куриш заводидан замонавий электровозларнинг 2 таси юртимизга келтирилди.

2020-2025 йиллар мобайнида жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган 2 та янги вокзал қурилди, 3 таси эса қайта таъмирланди.

Республика Кенгаши охириги 5 йил давомида ўз фаолиятини белгилаб олинган устувор йўналишлар асосида олиб бориб, Республика Кенгаши, раёсат йиғилишларида иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш, бандликка кўмаклашиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар ва улар оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш ва дам олдириш ишларини ташкил этиш, ишчи-ходимлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш, туризмни ривожлантириш, жамоа шартномалари мажбуриятларининг бажарилиши ва бошқа муҳим масалалар мунтазам муҳофаза этилиб, тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларнинг бажарилишига эришиб келинди.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши, унга аъзо ва тасарруфдаги касаба уюшмалари томонидан ҳисобот даврида иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик асосида, узаро ҳамкорликда фаолият олиб бориб, ходимларнинг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратишга эришиш, бандликка кўмаклашиш ва муносиб иш ҳақи олиш

ишларида фаол иштирок этиб, белгилаб олинган фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши халқаро ташкилотлар ва хорижий касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириб бориш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Касаба уюшмаси доимо халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиб, ишчи-ходимларни эътибордан четда қолдирмай мунтазам равишда ёрдам қўлини чўзиб келади ва иш берувчилар билан елкама-елка туриб, барча муаммолар ечимини топади. Касаба уюшмасида хизмат қилувчи ходимларни нафақат фаолияти балки иш жараёнида йўл қўйган хатолиги ҳам албатта инсонларга фойда келтириши керак. “Ҳамма нарса инсон ва уни истиқболи учун” деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг VIII Қурултойи

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

2. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши, унга аъзо барча бўғиндаги касаба уюшмаси ташкилотлари касаба уюшма аъзоларининг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик асосида ўз келгуси фаолиятларини қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишга қаратсинлар:

2.1. Ҳуқуқий ҳимоя соҳасида:

касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни тартибга солувчи қонун талаблари иш берувчилари томонидан бажарилиши устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунийликни таъминлаш;

ижтимоий-меҳнат соҳасидаги низоларни судгача ҳал қилиш ишларини жонлаштириш, зарурат бўлганда касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини суд ва давлат ҳокимияти органларида ҳимоя қилиш;

касаба уюшма аъзоларини ҳуқуқий билим савиясини ошириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш борасида таълим-тарғибот фаолиятини тубдан яхшилаш;

ижтимоий-меҳнат соҳасида бепул ҳуқуқий – консультатив ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш.

2.2. Бандликка кўмаклашиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан тасдиқланган янги иш ўринларини яратиш Дастури асосида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

бандликка кўмаклашиш борасида Бош, тармоқ келишуви ва жамоа шартномалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, ногиронлар, ёлғиз оналар ва ижтимоий заиф тоифага мансуб ходимларни ишга жойлаштирилишига кўмаклашиш;

корхоналар модернизация натижасида қайта ташкил этилиши, иш жойларининг қисқартирилиши оқибатида ишдан бўшатилган ходимларни қайта ўқитиш, малакасини ўзгартириш, касбга қайта тайёрлаш орқали ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

2.3. Меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида:

Тармоқ келишуви, жамоа шартномаларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни таъминлаш акс эттирилишига эришиш;

иш берувчилар томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг кафолатланган энг кам миқдорига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида олиш ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 19.01.2014 йилдаги 16-15-сонли қарори билан тасдиқланган касаба уюшмалари органлари томонидан иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш Тартиби талабларини оғишмай бажарилишини таъминлаш.

2.4. Ижтимоий ҳимоя соҳасида:

Ўзбекистон Республика Президенти ташаббуси билан йиллар номланишига монанд равишда республика Ҳукумати, Федерация Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган дастурлар бажарилишида фаол иштирок этиш;

тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларига киритиш учун энг кам меъёр сифатида Кодификацияланган базавий ижтимоий пакетни иш берувчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

ходимларнинг ижтимоий кафолатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

пензионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, вояга етмаганлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш;

корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ва ўқувчи ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни касаба уюшма аъзоллигига жалб этиш;

хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқларини, улар учун қонунчиликда белгиланган қўшимча имтиёз ва кафолатларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг фуқарорлар меҳнат ҳуқуқларига таалуқли Конвенциялари қоидаларини тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларга киритилишига эришиш ҳамда уларга риоя қилинишини таъминлаш.

2.5. Меҳнат муҳофазаси соҳасида:

иш берувчилар томонидан меҳнат муҳофазасини амалдаги қонунчилик, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари, меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими асосида ташкил этиш бўйича тегишли чоралар кўрилишига эришиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни суғурта қилиш, бахтсиз ҳодиса учун товон пули тўлаш амалиётидан унинг олдини олишга ўтиш, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи замонавий, илғор технология ва техник воситаларни жорий қилиш масалаларида иш берувчилар билан ўзаро келишилган ҳаракатлар олиб бориш;

ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, давлат назорати ва текшириш органлари билан биргаликда меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, саноат ва экологик хавфсизлик аҳволини ўрганиш амалиётини кенгайтириш;

ходимларнинг сифатли кийим-бош, оёқ кийимлари ва шахсий ҳимоя воситалари билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминланиши аҳволини мунтазам мониторинг қилиб бориш;

ишлаб чиқаришда содир бўлган ва оғир оқибатларга олиб келган ҳар бир бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиш сабабларини иш берувчи иштирокида касаба уюшма аъзолари йиғилишларида атрофлича муҳокама этиш ва келгусида йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилаш;

меҳнат муҳофазаси маданиятини ташкил этиш ва илғари суриш, яъни ходимларга хавфсиз, нормал меҳнат шароитларини яратиш, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини яхшиланиши ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини камайтиришга олиб келишига, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муаммоларга иш берувчиларнинг эътиборини қаратиш;

касб касалликлари ривожланиши хавфи юқори бўлган корхоналарда профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, ўз вақтида аниқланиши ва уларга даволаш – соғломлаштириш тадбирлари мажмуи қўлланилишига эришиш;

янги ташкил этилган иш ўринларида меҳнат қилаётган ходимлар, жумладан аёллар ва ёшларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари таъминланиши мониторинги олиб борилиши амалиётини йўлга қўйиши.

2.6. Ходимлар маънавиятини юқсалтириш ва соғломлаштириш соҳасида:

Меҳнат жамоаларида миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар, маданий-оммавий ва спорт тадбирларининг самарадорлигини ошириш, туризмни ривожлантиришда фаол иштирок этиш;

корхона, ташкилот ва муассасаларда маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиш орқали мустақиллигимизга, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизга шукроналик хисларини меҳнаткашларнинг калби ва онгига синдириш;

ёшлар ўртасида турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиш орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда онгида ватанга садоқат, миллий кадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш;

жамоа шартномалари орқали корхона, ташкилот ва муассасалар балансида бўлган маданият саройлари ва марказлари, спорт мажмуаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, улардан меҳнаткашларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишда самарали фойдаланишни ташкил этиш;

мунтазам равишда спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ходимлар гимнастикаси ҳамда оммавий спортни ривожлантириш;

меҳнат жамоаларида “Маънавият соатлари”ни тизимли равишда ташкил этишга, уларда республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда мамлакатимиз миллий стратегиясининг мазмун-моҳияти тарғиботини мунтазам олиб бориш;

меҳнаткашларни республикамизнинг тарихий шаҳарлари, диққатга сазовор ва муборак қадамжолари ҳамда мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларига саёҳатларини уюштириш орқали уларда ватанга муҳаббат, миллий кадриятларга садоқат хиссини шакллантириш;

корхона, ташкилот, муассасаларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномаларига ходимларга санаторийлар ва дам олиш уйлари йўлланмаларини харид қилиш ёки йўлланманинг қисман қийматини қоплаш учун маблағ ажратишга оид иш берувчиларнинг мажбуриятлари киритилишига эришиш;

компания тизимидаги тиббиёт муассасаларида соҳа ходимлари ва улар оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини, уларни зарур дори-дармонлар билан етарли даражада таъминлаш аҳволини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

компания тизимидаги даволаниш ва дам олиш масканлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар ва улар оила аъзолари учун юқори сифатли хордик чиқариш шароитларини яратиш, ишламайдиган пенсионерларга, ишлаб чиқаришда ногирон бўлганларга, боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилалар болаларига имтиёзли йўлланмалар бериш имкониятини кенгайтириш;

санаторийларга, дам олиш уйлари ва санаторий-профилакторийларга йўлланмаларни ажратиш ва тақсимлашда ижтимоий адолатлилик тамойилларига қатъий риоя қилиб ошкораликни таъминлаш;

ижтимоий-суғурта бюджети маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш.

2.7. Ташкилий ишлар, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва кадрлар захирасини шакллантириш соҳасида:

касаба уюшмаларини малакали кадрлар билан янада мустаҳкамлаш, кадрлар захирасини шакллантириш, тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш, захирага киритилган ёшларга хизмат даражаси бўйича кўтарилишлари учун шароит яратиб беришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш;

бошланғич ташкилотларнинг мавқеи ва нуфузини оширишга қаратилган ишларни тизимли равишда давом эттириш, акциядорлик жамияти тизимида ва нодавлат секторларида фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасаларни тўлиқ касаба уюшмаларига жалб этиш орқали аъзолар сонини кўпайтириш;

барча даражадаги касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитиш ҳамда малакасини оширишнинг самарали, узлуксиз ва яхлит тизимини жорий қилиш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш, коллегиял органлар қарорлари бажарилишини таъминлашда барча бўғиндаги касаба уюшмалари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш, уларнинг фаолиятига мунтазам равишда холис баҳо бериб бориш;

касаба уюшма кўмиталари раҳбарлари ва фаолларининг касб маҳорати ва малакасини, ҳуқуқий билим савиясини ошириш мақсадида мунтазам равишда ўтказиладиган ўқув-семинар машғулотларининг самарадорлигини ошириш.

2.8. Касаба уюшмалари маблағларидан самарали фойдаланиш соҳасида:

барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан молиявий интизомга қатъий риоя этилишини таъминлаш, тафтиш комиссияларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш;

касаба уюшмасига аъзолик бадалларининг тўла ҳажмда тушушини ва бадаллардан чегирмаларни юқори касаба уюшма органларига ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаш;

касаба уюшмаси бюджетини тўлдиришнинг янги шакл ва услубларини жорий этиш, жумладан касаба уюшмалари тасарруфида янги корхоналар ташкил қилиш, Республика Кенгаши, унга аъзо ташкилотлар аппаратларини мазкур корхоналар даромадлари ҳисобидан молиялаштиришга ўтказишни босқичма-босқич амалга ошириш;


касаба уюшмалари аъзолари олдида молиявий сиёсатни амалга оширилиши юзасидан ҳисобот бериб борилишини таъминлаш;

маблағларни мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан назорат тизими самарадорлигини ошириш чораларини кўриш.

3. Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашига аъзо ва тасарруфдаги касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари **бир ҳафта** муддатда мазкур қарорда белгилаб берилган касаба уюшмаларининг келгуси устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи



Қ.Сабиоров

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ
VIII ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОРИ

08.08.2025 йил

Тошкент ш.

VIII 2-сонли


**Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси
Тафтиш комиссиясининг 2020-2024 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.**

Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси
Уставининг VI бўлим, 6.3-банди талабларига мувофиқ, Ўзбекистон
темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг
VIII Қурултой

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба
уюшмаси тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин (илова қилинади).

Раислик қилувчи



Қ.Сабилов

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси тафтиш комиссиясининг VIII- Қурултойидаги МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли қурултой делегатлари, азиз меҳмонлар!

2020 йил 25 августдаги бўлиб ўтган Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг навбатдан ташқари VII-Қурултойида сайланган 5 кишидан иборат тафтиш комиссияси шу бугунга қадар ўз ишини тасдиқланган режа асосида амалга ошириб келди.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси тафтиш комиссияси низомига риоя қилган ҳолда касаба уюшма бюджети ва давлат ижтимоий суғурта бюджети сметаларининг бажарилишини, бухгалтерия ҳисобининг тўғри олиб борилишини ва шу билан бирга касаба уюшмаси сайланма органларининг УСТАВда белгиланган бошқа вазифаларининг бажарилишини ўрганиб, назорат қилиб келди.

Ҳисобот даври мобайнида ҳужжатларга биринчи имзо чекиш ҳуқуқига Республика Кенгаши раиси – Қутлимурат Собиров ва раис ўринбосари Розиметов Махмуд Хабибуллаевич эга бўлган.

Иккинчи имзо чекиш ҳуқуқи билан молия бўлими мудирлари - Матмуратов Умар Уразбекович ва ижтимоий суғурта бўлими мудирлари – Ли Яна Владимировна ишлаб келмоқда.

Касаба уюшма Республика Кенгашининг молиявий фаолияти ҳужжатлар асосида тафтиш қилиниб, маблағларнинг сарфланиши назорат этиб турилди. Ҳар йили тафтиш ҳайъати томонидан ўтказилган текширув натижалари тўғрисидаги маълумотномалар бундан далолатдир.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига тармоқ касаба уюшмаси таркибига 6 та худудий, 3 та бирлашган ва 125 та бошланғич касаба уюшма қумиталари кириб, уларда 72 507 нафар касаба уюшма аъзолари ҳисобга олинган.

Шу билан бирга, Республика Кенгаши тасарруфига касаба уюшма марказий кутубхонаси ва худудий қумиталар қошидаги клублар, кутубхоналар киритилган.

Касаба уюшма Республика Кенгашининг молиявий-хужалик фаолиятини ўрганиш, бухгалтерия ҳужжатларини тафтиш қилиш натижалари бўйича салбий ҳолатлар аниқланмаганини таъкидлаш мумкин. Мақсадсиз харажатларга йўл қўйилмаган.

Ҳисоб-китоб юритиш, моддий ашёларни кирим қилиш ва ҳисобдан чиқариш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация

Кенгаши тизимида амалда қўлланилаётган йўриқномаларга мувофиқ олиб борилган. Молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тузилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига, солиқ ва бошқа давлат идораларга белгиланган вақтда тақдим этилган.

Барча тафтиш ишларининг натижалари касаба уюшма Республика Кенгаши раёсати мажлисларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган ва бажарилиши назорат қилиб борилган.

Касаба уюшма Республика Кенгаши бюджетининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган даромад ва харажат сметалари Республика Кенгаши раёсат йиғилишларида ҳар йил тасдиқланиб келинган. Ҳисобот даврида тармоқ касаба уюшмасининг даромади ўрта ҳисобда йилига 42 958,8 млн. сўмни ташкил этган.

Ўтган 5 йил давомидаги тармоқ касаба уюшма бюджетининг ўртача харажати 25 736,5 млн. сўмни ташкил этган.

Шу жумладан,

- маданий - оммавий ишлар учун 13 373,9 млн. сўм;
- жисмоний - тарбия ва спорт ишлари учун 3 635,4 млн. сўм;
- касаба уюшма аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш учун 6 126,2 млн. сўм;
- касаба уюшма фаолларини мукофотлаш учун 2 600,9 млн.сўм сарфланган.

Касаба уюшма Республика Кенгашининг давлат ижтимоий суғурта бюджетлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсат қарорлари билан тасдиқланган.

Ҳисобот даврида, яъни 2020 – 2024 йиллар мобайнида ишловчиларга йўлланмалар қуйидагича ажратилган:

санаторияларга – 5 778 дона жами 13 млрд. 755 млн. 986 минг сўм;

бундан ташқари Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги “Ўзбекистон” санаторийларига 2020-2024 йиллар давомида жами 16 дона йўлланма учун 151 млн. 787,0 минг сўм маблағлар ажратилган;

ёзги болалар дам олиш оромгоҳларида – 26 295 нафар болалар соғломлаштирилган бўлиб, бу мақсадларга ўртача йилига 24 млрд 196,7 млн сўм маблағ ажратилган.

Ҳурматли делегатлар!

Бугунги Қурултой кун тартибида тафтиш комиссиясини қайтадан сайлаш масаласи киритилган.

Ўйлайманки, келгусида тафтиш комиссияси ўз ишини Низом ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда олиб боради ва ўзига юклатилган қуйидаги вазифаларни:

- пул маблағлари ва моддий қийматликларнинг тўғри харажат қилиниши, уларни мақсадли ишлатилишини, маблағлар сарфлашда тежамкорликка риоя қилинишини, белгиланган штатларга, лавозим маошларига, бошқарув апаратини сақлаш ва бошқа харажатларни амалга оширишда белгиланган меъёрларга риоя этилишини текшириш ва тафтишдан ўтказиш;

- ижтимоий суғурта бюджети режаларининг бажарилиши, маблағларнинг мақсадли сарфланиши, сарф-харажатлар сметаларига амал қилинишини текшириш ва назорат қилиш;

- имтиёзли равишда олинган санаторий, санаторий-профилакторий, дам олиш уйлари ва болалар оромгоҳлари йўлланмаларидан тўғри, асосли ва мақсадли фойдаланилишини, йўлланмалар учун тўловларнинг, шунингдек, қисман тўловларнинг белгиланган тартибларга мувофиқ тўланганлигини текшириш ва назорат қилиш;

- жамоа шартномаларида ходимлар учун кўзда тутилган рағбатлантириш ва қўшимча имтиёзлар бериш масалаларини тўғри амалга оширилишини текшириш;

- иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаларига амал қилинишини текшириш ва бошқа масалаларни астойдил бажаради.

“Ўзбекистон темир йуллари” АЖнинг барча аппарат ва муассасаларида меҳнат қилаётган темирйўлчиларимизни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаб, уларнинг яшаш ва меҳнат шароитларини талаб даражасига кўтариш, уларни махсус кийим-кечаклар билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлигини назорат қилиш барчамизнинг вазифамиздир.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшма фаоллари ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлаш йўлида “Ўзбекистон темир йуллари” АЖ раҳбарияти билан елкама-елка туриб, бутун билим ва тажрибаларини темир йўл транспорти салоҳиятини янада ошириш ишларига сафарбар этишларига ишончимиз комил.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

Тафтиш комиссияси раиси

Ф.И.Мусалимов

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ
VIII ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОРИ

08.08.2025 йил

Тошкент ш.

VIII 3-сонли

**Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг
2025-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари тўғрисида**

Тармоқ касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоясини амалга ошириш борасидаги тизимли ҳаракатини шакллантириш, шу билан касаба уюшмаси қўмиталарини фаолиятини жадаллаштириш ва таъсирини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг VIII Қурултой

ҚАРОР ҚИЛАДИ:


1. Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2025-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари тасдиқлансин.

2. Стратегик йўналишлар тўла бажарилиши учун жавобгарлик касаба уюшмаси Республика Кенгаши, ҳудудий, бирлашган ва барча бўғиндаги бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари зиммасига юклатилсин.

3. Стратегик йўналишларнинг бажарилиши ҳар йили Республика Кенгаши мажлиси йиғилишида муҳокама этилиб, жойларда уни бажарилишини таъминламаган касаба уюшмаси қўмита раисларига тегишли чоралар кўрилсин.

4. Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2025-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларнинг бажарилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш касаба уюшмаси Республика Кенгашига юклатилсин.

Раислик қилувчи



Қ.Сабилов